

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ГИЯСОВА АҚИДАХОН ОРИФХОН ҚИЗИ

**ДИАБЕТИК МАКУЛА ШИШИНИ БЎСАҒА ОСТИ
МИКРОИМПУЛЬСЛИ ЛАЗЕР БИЛАН ДАВОЛАШ**

14.00.08 - Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

УЎК: 617.735-005.98:616.462:615.849.19

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertations abstract of doctor of philosophy (PhD)

Гиясова Ақидахон Орифхон қизи

Диабетик макула шишини бўсаға ости микроимпульсли лазер билан
даволаш 3

Гиясова Ақидахон Орифхоновна

Субпороговое микроимпульсное лазерное воздействие в лечении
диабетического макулярного отёка 27

Giyasova Aqidaxon Orifxonovna

Subthreshold micropulse laser exposure in the treatment of diabetic macular
edema 51

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ГИЯСОВА АҚИДАХОН ОРИФХОН ҚИЗИ

**ДИАБЕТИК МАКУЛА ШИШИНИ БЎСАҒА ОСТИ
МИКРОИМПУЛЬСЛИ ЛАЗЕР БИЛАН ДАВОЛАШ**

14.00.08 - Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2432 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Янгиева Нодира Рахимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Норматова Наргиза Миршавкатовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Имшенецкая Татьяна Александровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Белорусия Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Абу али ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети
(Тожикистон Республикаси)

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 04/05.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (99866) 233-07-66); e-mail: ilmiyprorektori@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс:(99866) 233-07-66); e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Т. Насретдинова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги Илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда юқумли бўлмаган касалликлар қаторида қандли диабет (ҚД) аҳоли саломатлигига жиддий ҳавф солаётган ва ривожланган мамлакатларда тобора кучайиб бораётган тиббий муаммо бўлиб қолмоқда. Халқаро Диабет Федерацияси (International Diabetes Federation (IDF)) томонидан эълон қилинган тадқиқот натижаларига кўра "...2021 йилда ер юзасида қандли диабет билан касалланганлар сони 537 миллион кишини ташкил қилган бўлиб, уларнинг 37% да қандли диабетнинг кўз ичи асорати бўлган диабетик ретинопатиянинг ривожланиши кузатишга бўлса, ушбу беморларнинг 6,81% да диабетик макула шиши юзага келиши аниқланган..."¹. Организмнинг гипергликемия ҳолати, артериал қон босимининг ошиши, липидлар алмашинувининг ўзгаришлари, тўр парда пигмент эпителийсининг дисфункцияси ва бошқалар диабетик макула шиши (ДМШ) ни юзага келишига олиб келувчи омиллардир. ДМШ ривожланиши ва тарқалишини таҳлил қилиш, касалликни эрта босқичларида ташхислаш, уни даволашда патогенетик асосланган усулларни ишлаб чиқиш, ангиогенезни ингибирловчи дори воситаларининг қўлланилиш частотасини ва ҳавфсизлигини назорат қилиш офтальмологлар орасида муҳим аҳамият касб этади.

Бутун жаҳон офтальмологиясида ДМШни ташхислаш ва даволашнинг сифатини оширишга қаратилган илмий изланишларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, диабетик ретинопатия (ДР) ни дастлабки босқичларда ташхислаш, ДМШни самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш, эндокринологлар билан биргаликда асосий касалликни даволашда муваффақиятли реабилитацияни амалга ошириш, касаллик туфайли кўришдан ногиронлик юзага келишини олдини олиш йўналишларида изланишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ДМШни ташхислашда тўр парданинг микроциркулятор ўзгаришлари ўрганилмаган бўлиб, унинг ташхислаш мезонларини такомиллаштириш, даволаш самарадорлигини оширувчи комплекс усулларини ишлаб чиқиш офтальмологиянинг устивор йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, нопродлифератив диабетик ретинопатия (НПДР) фонидаги ДМШни ташхислаш, шунингдек мазкур патологияли беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни кўрсатиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, хусусан, ДР сабабли аҳоли орасида кўрликни ва кўриш ўткирлиги пасайишини олдини

¹ International Diabetes Federation, Diabetes Atlas 10th Edition, 2021

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

олишга қаратилган даво режаларини такомиллаштириш мақсадида патогенетик асосланган ташхислаш ва даволашнинг мавжуд усулларини такомиллаштириш ва янги даво чораларини ишлаб чиқиш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ 4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 25 майдаги ПҚ 5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 26 январдаги ПҚ 102-сон «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ҚД билан касалланган беморлар сони ривожланган мамлакатларда ҳар йили барқарор равишда ўсиб бормоқда, бу касалликнинг эрта аниқланаётганлиги билан боғлиқ. ҚДнинг кўрув аъзосида энг кўп учрайдиган асорати пролифератив шаклдаги ДР ва тўр парданинг макула соҳасидаги шиш кўриш ўткирлиги пасайиши ёки йўқолишининг энг асосий сабабидир. Висконсин Диабетик ретинопатия эпидемиологик тадқиқоти (Wisconsin Epidemiology Study of Diabetic Retinopathy (WESDR)) томонидан тақдим этилган илмий тадқиқот натижаларида ҚДнинг II типи билан 20 йилдан ортиқ муддат давомида касалланган беморларнинг 29% да ДМШ юзага келиши илмий исботланган бўлиб, II тип ҚДнинг давомийлиги 10 йил ва ёши 30 ёшгача бўлган беморларнинг 20,1% да ДМШ аниқланган. Ўзбекистонда, Н.М. Норматованинг (2021) маълумотларига кўра, эрта аниқланган ҚД беморлари орасида ДРни скрининг текшируви натижасида ДРнинг тарқалиши 29,5% дан 36,8% гача эканлиги аниқланган.

Замонавий оптик когерент томография (ОКТ) текшируви тўр парданинг барча қатламларининг кўндаланг кесимини сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиш имконини беради ва бу текширув ДМШни ташхислашдаги асосий стандарт усул саналади. ОКТнинг ангиография, яъни ангио-ОКТ функциясини яратилиши натижасида тўр парда макула соҳасининг қон айланиши кўрсаткичларини нафақат сифат, балки миқдорий баҳолаш имкони

пайдо бўлди. Ангио-ОКТнинг миқдорий баҳолаш кўрсаткичлари патологик жараён ўзгаришларини объектив баҳолаш учун муҳимдир.

Изланувчилар томонидан ДМШни даволашда бўсағали лазер коагуляция амалиёти самарадорлиги бир қанча тадқиқотлар орқали исботланган (Do D.V., Nguyen Q.D., Khwaja A.A., Channa R., Sepah Y.J., Sophie R., et al., 2013; Bandello F., Polito A., 2015; Virgili G., Parravano M., Evans J.R., Gordon I., Lucenteforte E., 2018). Аммо ушбу даволаш техникасини қўллашда тўр парданинг функционал жиҳатдан муҳим бўлган макула соҳасининг зарарланиши билан боғлиқ бир қатор камчиликлар мавжуд. ДМШ да қўлланиладиган тўр парданинг фокал лазер коагуляциясидан кейин юзага келадиган асоратлар етарлича: беморларда контраст сезувчанликнинг пасайиши, ранг ажратишнинг ёмонлашиши, марказий кўриш майдонида скотомаларнинг пайдо бўлиши, лазер коагуляцияси таъсирида хориоретинал тузилмада атрофик майдонининг катталаниши.

Мамлакатимизда ҚДнинг эпидемиологияси, олдини олиш, кўз ичи асоратларини эрта ташхислаш ва даволаш бўйича бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, ҚДда кўрув аъзоси ўзгаришларининг эпидемиологик жиҳатлари ва ДРнинг ривожланишида ҳавф омилларининг ўрни, ҳавф гуруҳларини аниқлаш (Янгиева Н.Р., 1997), ДРни ташхислаш тамойиллари (Баҳритдинова Ф.А., 2000), ДР нинг лазерли давосидан кейин тўр парданинг функционал ҳолати (Камилова К.А., 2011) ўрганилган, ДР ривожланишида асосий патогенетик омил сифатида шишасимон танадаги биомеханик ўзгаришларнинг юзага келиши исботланган (Юлдашева Н.М., 2014), ДР оқибатида юзага келган кўриш ногиронлигида тиббий ёрдамни ташкил қилиш (Джамалова Ш.А., 2018), ДРда эрта қўлланилган панретинал лазер коагуляциянинг самарадорлигини исботлаш (Акшей Кхера, 2018), ДР ни комплекс даволаш натижасида кўз ёшининг метаболик ва кўз олмасининг гемодинамик ўзгаришларини таҳлил қилиш (Кангилбаева Г.Э., 2019), ДМШнинг ривожланишида қон томир ангиогенезининг ўрни ва даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш (Норматова Н.М., 2021), ҚД билан касалланган беморларда кўз олмаси оптик муҳитлари ва кўз туби ўзгаришларини таҳлил қилиш (Одилова Г.Р., 2023) бўйича илмий ишлар бажарилган.

Шундай қилиб, стандартлаштирилган юқори технологияли даволаш усулларининг хилма-хиллигига қарамай НПДР фонидаги ДМШни даволашда ноинвазив ёки инвазивлиги кам бўлган, бир нечта даволаш усулларни ўзида намоён қилган илмий ишлар камчиликни ташкил этади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда НПДР фонидаги ДМШни ташхислаш ва даволашнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш ушбу илмий тадқиқотни олиб бориш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ 011900248-сонли «Ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш билан кўрув аъзоси касалликларини комплекс текшириш» (2020-2024йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нопролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шишини даволашда бўсаға ости микроимпульсли лазер таъсирлаш амалиётини такомиллаштирилган даволаш усулини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нопролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шишида тўр парда макула соҳасининг микроциркулятор қон айланишини ангиографияли оптик когерент томография маълумотлари асосида диагностик мезонларини ва микдорий қийматини аниқлаш;

нопролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шишида қўлланилган даволаш усулларинининг самарадорлигини тўр парда макула соҳасидаги структуравий ва микроциркулятор ўзгаришларни инобатга олган ҳолда таққослаш орқали таҳлил қилиш;

диабетик макула соҳасидаги шиш баландлигини ва микроциркулятор ўзгаришларни инобатга олган ҳолда комбинирланган даволаш усулини ишлаб чиқиш;

нопролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шишида таклиф этилаётган комбинирланган даволаш усулининг самарадорлигини ҳаёт сифати кўрсаткичлари асосида баҳолаш;

нопролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шиши мавжуд беморларни даволашнинг илмий асосланган дифференциал ёндашув алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда унинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида “SINAT KO`Z” МЧЖ ҚК кўз клиникасида 2021-2023 йиллар мобайнида мурожаат қилган 45 ёшдан 77 ёшгача бўлган, II тип ҚД фонида НПДР ва ДМШ ташхиси қўйилган 102 нафар бемор (176 та кўз) олинган.

Тадқиқот предмети. Тадқиқотда иштирок этган шахсларнинг офтальмологик ва соматик ҳолатининг кўрсаткичлари, ОКТ ва ангио-ОКТ кўрсаткичлари, сўровнома маълумотлари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини амалга оширишда умумофтальмологик (визиометрия, тонометрия, биомикроскопия, офтальмоскопия, авторефрактометрия, В-сканерлаш), махсус офтальмологик (оптик когерент томография ва ангиографияли оптик когерент томография), NEI VFQ-25 сўровномаси ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

нопролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шиши мавжуд беморларда даволаш тактикасини танлашда шиш баландлигига боғлиқ ҳолда, тўр парда макула соҳаси микроциркулятор ўзгаришларининг микдорий қиймати кўрсаткичлари орасида фовеалар аваскуляр зона – FAZ майдонининг ортиши бош ўринда эканлиги ангиографияли оптик когерент томография асосида исботланган;

нопролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шишида таклиф этилган бўсаға ости микроимпульсли лазер таъсирлаш амалиёти ва анти-VEGF терапиясидан иборат бўлган комбинирланган

даволаш усулининг қўлланилишида тўр парда макула соҳасидаги структуравий ва микроциркулятор кўрсаткичларнинг яхшиланиши, 12 ой давомида шиш баландлиги барқарор равишда пасайишига олиб келиши исботланган;

нопролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шиши баландлиги 400 мкмдан кам бўлганда таклиф этилган бўсаға ости микроимпульсли лазер таъсирлаш амалиётини қўллаш самарадорлиги тўр парданинг структуравий ва микроциркулятор кўрсаткичларини яхшиланиши асосида исботланган;

нопролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шишида тўр парда макула соҳасининг шиш баландлигини ва ушбу соҳанинг микроциркулятор қон айланиши кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда макула соҳасидаги интратетинал ва субретинал суюқлик резорбциясига олиб келувчи даволашнинг дифференциал ёндашуви бўйича таклиф этилган алгоритмнинг клиник-функционал, иқтисодий самарадорлиги ва ҳаёт сифатига ижобий таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диабетик макула шиши бўлган беморларда оптик когерент томография ва ангиографияли оптик когерент томография текширув кўрсаткичлари асосида макула соҳасидаги шишнинг баландлиги ва микроциркулятор ўзгаришларни инобатга олган ҳолда бўсаға ости микроимпульсли лазер таъсирлаш амалиётини ўтказишда сеанслари сони, унинг таъсир қилиш параметрлари, бролуцизумабнинг интравитреал инъекциялари сони ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган;

кўрув аъзосининг клиник ва функционал кўрсаткичлари, макула соҳасининг оптик когерент томография ва ангиографияли оптик когерент томография натижалари асосида комбинирланган даволаш усулининг клиник ва фармакоиктисодий самарадорлиги асосланган;

нопролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шиши бўлган беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшиланишига қаратилган, мавжуд тиббий ҳамда ижтимоий муаммони ҳал қилишга ижобий ҳисса қўшувчи дифференциал даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқотда замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, офтальмологик, функционал, рақамли, статистик тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги, НПДР фонидаги ДМШни ташхислаш ва даволаш усулини такомиллаштирилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, шунингдек, олинган хулоса ҳамда натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, нoproлифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шишида таклиф этилган бўсаға ости микроимпульсли лазер таъсирлаш амалиёти ва

анти-VEGF терапиясидан иборат бўлган комбинирланган даволаш усулининг қўлланилишида, тўр парда макула соҳасидаги структуравий ва микроциркулятор кўрсаткичларнинг яхшиланиши фовеалар аваскуляр зона майдони ва периметри, капиллярлар тутами зичлиги ва аваскуляр индекс кўрсаткичлари асосида баҳолаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, непролифератив диабетик ретинопатия фонида диабетик макула шиши бўлган беморларни даволашнинг комплекс дифференциал алгоритми ҳамда бўсаға ости микроимпульсли лазер таъсирлаш амалиёти протоколини офтальмология соҳасига киритилиши, лазер сеанслари ва брелуцизумабнинг интравитреал инъекциялари сони ишлаб чиқилганлиги, таклиф этилган комбинирланган даволаш усулининг клиник ва фармакоиктисодий самарадорлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. НПДР фонидаги ДМШни бўсаға ости микроимпульсли лазер таъсирлаш (БОМИЛТ) билан даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: непролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шиши мавжуд беморларда даволаш тактикасини танлашда шиш баландлигига боғлиқ ҳолда, тўр парда макула соҳаси микроциркулятор ўзгаришларининг миқдорий қиймати кўрсаткичлари орасида фовеалар аваскуляр зона – FAZ майдонини ортиши бош ўринда эканлиги ангиографияли оптик когерент томография асосида исботланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* НПДР фонидаги диабетик макула шиши ДМШда ангиографияли оптик когерент томография (ангио-ОКТ) текшируви асосида тўр парда макула соҳасининг фовеалар аваскуляр зона – FAZ майдонининг 3 маротаба ортишига олиб келиб, шиш сабабли кўриш пасайишини юзага келишини профилактика қилиш мақсадида ўз вақтида даволашни бошлаш муҳим ҳисобланади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалиёт тизимига, хусусан, Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси 04.11.2023 йилдаги 01-11/668-сон буйруқ билан ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази Термиз филиали 29.07.2024 йилдаги 37-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 25.09.2024 йилдаги 6-сонли №6/46 йиғилиш баённомаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* НПДР фонидаги ДМШни эрта аниқлашга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: касалликни эрта аниқлаш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш учун тўр парда микроциркуляция ҳолатини ўрганиш зарур. Таклиф этилган комбинирланган даволаш усулининг иқтисодий самарадорлиги ҳар бир бемор учун харажатларни 10 333 794 сўм сўмгача камайтиришга имкон берди. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* НПДР фонидаги ДМШни даволашда тўр парда микроциркулятор ўзгаришларини инобатга олиб, БОМИЛТ ва анти-VEGF терапиясини қўллаш амалиёти самарадорлиги асосида “Диабетик макула шишида комбинирланган даво натижалари” номли услубий тавсиянома тасдиқланди (Тошкент давлат стоматология институти

Экспертлар кенгашининг 31.05.23 й.да 04-р/27-сон билан тасдиқланган). Ушбу тавсиянома НПДР фонидagi ДМШда тўр парда макула соҳаси микроциркулятор ўзгаришларини аниқлаш ва даволаш усулларининг самарадорлигини оширишга имкон берди.

иккинчи илмий янгилик: нoproлифератив диабетик ретинопатия фонидagi диабетик макула шишида таклиф этилган бўсаға ости микроимпульс лазерли таъсирлаш амалиёти ва анти-VEGF терапиясидан иборат бўлган комбинирланган даволаш усулининг қўлланилишида тўр парда макула соҳасидagi структуравий ва микроциркулятор кўрсаткичларнинг яхшиланиши, 12 ой давомида шиш баландлиги барқарор равишда пасайишига олиб келиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* НПДР фонидagi ДМШда таклиф этилаётган комбинирланган даволаш усулини қўллаш 12 ой давомида макула соҳасидagi шишнинг бақрарор резорбциясини таъминлаб, беморлар қатнови сонининг камайиши, кўриш функцияларининг яхшиланишига олиб келди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалий тизимига, хусусан, Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси 04.11.2023 йилдаги 01-11/668-сон буйруқ билан ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази Термиз филиали 29.07.2024 йилдаги 37-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 25.09.2024 йилдаги 6-сонли №6/46 йиғилиш баённомаси). *Ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: таклиф этилган комбинирланган даволаш алгоритминини қўллаш тўр парда макула соҳасидa микроциркулятор ўзгаришлари бўлган беморларда шиш резорбциясини барқарор равишда таъминлаб, ишемия ривожланишини бартараф этиш орқали кўриш ўткирлиги пасайишини олдини олиб беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичлари яхшилашланди. *Иқтисодий самарадорлиги:* баландлиги 400 мкмдан катта бўлган ДМШда комбинирланган даволаш усулини қўллаш орқали даволаш сарф-ҳаражатларидан 7 233 795 сўм иқтисод қилиш имконига эришилади. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* баландлиги 400 мкмдан катта бўлган НПДР фонидagi ДМШни комплекс даволаш усулининг самарадорлиги асосида “Диабетик макула шишида комбинирланган даво натижалари” номли услубий тавсиянома тасдиқланди (Тошкент давлат стоматология институти Экспертлар кенгашининг 31.05.23 й.да 04-р/27-сон билан тасдиқланган). Ушбу тавсиянома НПДР фонидagi ДМШда шиш баландлигига боғлиқ бўлган ҳолда самарали даволаш турини танлаш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: нoproлифератив диабетик ретинопатия фонидagi диабетик макула шиши баландлиги 400 мкмдан кам бўлганда таклиф этилган БОМИЛТ амалиётинини қўллаш самарадорлиги тўр парданинг структуравий ва микроциркулятор кўрсаткичларини яхшиланиши асосида исботланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* НПДР фонидagi ДМШда шиш баландлиги 400 мкмдан кам бўлганда таклиф этилган БОМИЛТ амалиётинини қўллаш самарадорлигинини тўр парда макула соҳасидagi фовеалар аваскуляр зона майдонининг 2,3 марта

камайиши, капиллярлар тутами зичлигининг 25,2% га ортиши натижасида тўр парданинг микроциркулятор кўрсаткичларини яхшиланиши юзага келади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалий тизимига, хусусан, Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси 04.11.2023 йилдаги 01-11/668-сон буйруқ билан ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази Термиз филиали 29.07.2024 йилдаги 37-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 25.09.2024 йилдаги 6-сонли №6/46 йиғилиш баённомаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* НПДР фонидagi ДМШда БОМИЛТ амалиётини қўллаш узок муддатли терапевтик натижа бериши ва беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшиланиши билан изоҳланади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: баландлиги 400 мкм дан кам бўлган ДМШда БОМИЛТ амалиётини қўллаш орқали даволаш сарф-ҳаражатларидан 11 733 795 сўм иқтисод қилиш имконига эришилади. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* НПДР фонидagi ДМШни даволашда бўсаға ости микроимпульсли лазер таъсирлаш амалиёти самарадорлиги асосида "Диабетик макула шиши давосини такомиллаштириш" номли услубий тавсияномаси тасдиқланди (Тошкент давлат стоматология институти Экспертлар кенгашининг 31.05.23 й.да 04-р/27-сон билан тасдиқланган). Ушбу услубий тавсиянома НПДР фонидa ДМШ юзага келган беморларни даволаш ва асоратларни олдини олиш самарадорлигини оширишга имкон беради.

тўртинчи илмий янгилик: непролифератив диабетик ретинопатия фонидagi диабетик макула шишида тўр парда макула соҳасининг шиш баландлигини ва ушбу соҳанинг микроциркулятор қон айланиши кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда макула соҳасидаги интратетинал ва субретинал суюқлик резорбциясига олиб келувчи даволашнинг дифференциал ёндашуви бўйича таклиф этилган алгоритмнинг клиник-функционал, иқтисодий самарадорлиги ва ҳаёт сифатига ижобий таъсири исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғини офтальмолог шифокорлари учун НПДР фонидa ДМШ юзага келган беморларни олиб бориш тактикаси ишлаб чиқилган ва илмий асосланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалий тизимига, хусусан, Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси 04.11.2023 йилдаги 01-11/668-сон буйруқ билан ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази Термиз филиали 29.07.2024 йилдаги 37-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 25.09.2024 йилдаги 6-сонли №6/46 йиғилиш баённомаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: НПДР фонидa ДМШ юзага келган беморларни олиб бориш тактикасини қўллашда кўриш ўткирлиги ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари кескин ошди. Бу беморларни олиб бориш тактикасига комплекс ёндашувнинг ишлаб чиқилганлиги, амалиётга жорий қилинганлиги билан боғлиқ. Унга киритилган

комплекс даволаш усули анъанавий терапияга караганда самаралироқ бўлиб, тиббий реабилитация муддатлари қисқа ва даволаш самарадорлиги юқори бўлди. *Иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: таклиф этилган комплекс даволаш усулидан фойдаланиш ДМШли беморларда 12 ой давомидаги даволаш сарф-ҳаражатларининг 2 маротаба қисқаришига олиб келади ва беморларнинг стационар даволаниш учун сарфланадиган сафж-ҳаражатларни йўққа чиқаради. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши*: НПДР фонидagi ДМШни даволашда БОМИЛТ амалиёти самарадорлиги асосида "Диабетик макула шиши давосини такомиллаштириш" номли услубий тавсияномаси тасдиқланди (Тошкент давлат стоматология институти Экспертлар кенгашининг 31.05.23 й.да 04-р/27-сон билан тасдиқланган). Ушбу тавсиянома НПДР фонидagi ДМШда тўр парда макула соҳаси микроциркулятор ўзгаришлари ва шиш баландлигига асосланган ҳолда оптимал даволаш турини танлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 республика ва 2 хорижий миқёсдаги журналларда мақолалар ва 2 услубий тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган; тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган; ишнинг назарий, илмий ва амалий аҳамияти изоҳланган; ва олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, олинган натижаларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Диабетик ретинопатия ва диабетик макула шиши муаммоларига замонавий қараш”** деб номланган биринчи бобида ДМШнинг замонавий эпидемиологик жиҳатлари, диагностика мезонлари ва даволаш усуллари, этиологик ҳавф омиллари, замонавий ташхислаш мезонлари ва ушбу патологияни консерватив, лазер коагуляция йўли билан даволаш усуллари оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи келтирилган. Шунингдек, ДМШ юзага келишида макула соҳасидаги микроциркулятор ўзгаришларнинг аҳамияти ўрганиб чиқилган.

Диссертациянинг **“Манбалар ва текширув усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари ёритилган. Илмий иш учун 2021 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда “SINAT KO`Z” МЧЖ ҚҚ кўз клиникасига мурожат қилган НПДР фонида ДМШ юзага келган, 102 нафар беморнинг (176 та кўз) текшириш ва даволаш натижалари таҳлил қилинган. Беморларнинг ёши 45 дан 77 ёшгача бўлиб, ўртача ёши $60,5 \pm 9,2$ ни, жинслари бўйича тақсимланишига кўра, эркаклар 47% ва аёллар 53% ни ташкил қилган.

Тадқиқот давомида таклиф этилаётган даволаш усуллариининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида НПДР фонида ДМШ юзага келган беморлар иккита катта клиник гуруҳларга ажратилиб ўрганилди:

• I гуруҳ – тўр парда макула соҳасидаги шиш баландлиги 400 мкмдан кам бўлган 51 та бемор (85 та кўз). Мазкур гуруҳ беморлари ўз навбатида яна 3 та гуруҳга бўлинди:

– БОМИЛТ амалиёти қўлланилган беморлар (16 та, 28 та кўз);

– 5+PRN (5 марта + “зарур бўлганда”) режимида анти-VEGF терапия қўлланилган беморлар (19 та, 27 кўз);

– комбинирланган даволаш: анти-VEGF терапия+БОМИЛТ амалиёти қўлланилган беморлар (16 та, 30 та кўз).

• II гуруҳ тўр парда макула соҳасидаги шиш баландлиги 400 мкмдан катта бўлган 51 та бемор (91 та кўз). Мазкур гуруҳ беморлари ҳам ўз навбатида яна 2 та гуруҳга бўлинди:

– 5+PRN режимида анти-VEGF терапия қўлланилган беморлар (25 та, 46 та кўз);

– комбинирланган даволаш: анти-VEGF терапия+БОМИЛТ амалиёти қўлланилган беморлар (26 та, 45 та кўз).

Тадқиқотдаги беморларни текшириш жараёнида умумофтальмологик ва махсус усуллардан фойдаланилган.

Махсус текширув усуллари қуйидаги офтальмологик қурилмаларда ўтказилди: даволашдан олдин ва кейин ДМШ резорбцияси динамикасини инструментал мониторинг қилиш мақсадида даволаш усуллари самарадорлигининг сифат ва миқдорий ўзгаришларини баҳолаш имконини берадиган Cirrus HD-OCT 500 (Carl Zeiss Meditec, Германия) ОКТ ускунасидан, шунингдек тўр парда макула соҳасининг микроциркулятор ўзгаришларини баҳолаш мақсадида DRI OCT Triton (TOPCON, Корея) ангиографияли ОКТ текширув ускунасидан ҳамда NEI VFQ-25 сўровномасидан фойдаланилди.

Даволаш усуллари: лмий тадқиқотда ДМШ бўлган беморларда дори воситасини интравитреал юбориш мақсадида Визкью («Novartis», Швейцария) дори воситаси қўлланилди. Халқаро патентланмаган номи: бролуцизумаб. Рўйхатга олиш рақами: ЛП-006598. Кўз ичига юбориш учун эритма 120 мг/мл, бир флаконда дори воситасининг 0,23 мл актив моддаси мавжуд. Дори воситаси эндотелиал ўсиш омили - А (VEGF-A) бўлиб, моноклонал антителоларнинг клиник-фармакологик гуруҳига оиддир. Дори воситаси интравитреал равишда 0,05 мл дозада юборилди.

БОМИЛТ амалиёти тўлқин узунлиги 577 нм, 250 дан 600 мВт гача қувватли микроимпульс режимида, доғ ўлчами 100 мкм, импульснинг давомийлиги 0,1 с, иш айланиши 5% бўлган «Easyret» (Quantel medical, Франция) диодлазерли қурилмасида амалга оширилди.

Комбинирланган даво муолажасида БОМИЛТ амалиёти анти-VEGF дори воситасини бир мартаба интравитреал юборилгандан кейин 10 кун ўтгач амалга оширилди.

Олинган натижаларга Microsoft Office Excel 2022 дастури ёрдамида тавсифий статистика усулидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **“Нопротлифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шишида даволашнинг клиник-функционал самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида ДМШли беморларда даволашдан олдинги ва кейинги даврларда кўрув аъзосининг клиник ва функционал натижаларини 12 ойлик кузатув давомидаги таҳлили келтирилди.


Тадқиқотимизда олинган ДМШнинг баландлиги 400 мкмдан кам бўлган беморларда қўлланилган даволашдан 1 ойдан сўнг максимал коррекцияланган кўриш ўткирлиги (МККЎ) нинг кўрсаткичлари сезиларли даражада ($0,95 \pm 0,02$ дан $1,0 \pm 0,04$ гача ($p < 0,001$)) яхшиланди (1-расм).

Ушбу гуруҳ беморларида даволашдан 1 ой ўтгач, уччала даволаш гуруҳларида МККЎ юқори кўрсаткични намоён қилган бўлса ($p < 0,001$), кузатувнинг 3 ойида ҳам ушбу кўрсаткични ($0,88 \pm 0,08$ дан $0,95 \pm 0,03$ гача) сақлаб қолди ($p < 0,001$), 6 ва 12 ойларида МККЎ даволашнинг аввалги ойларига нисбатан ($0,86 \pm 0,02$ дан $0,88 \pm 0,03$ гача) камайди ($p < 0,001$), аммо дастлабки кўрсаткичлардан анча юқори эди. Кузатув даврининг охирига келиб, фақатгина комбинирланган даволаш қўлланилган беморлар гуруҳида ўзининг юқори қийматларини ($0,88 \pm 0,03$) намоён қилди.


Шунингдек, шиш баландлиги 400 мкмдан катта бўлган беморлар гуруҳида ҳам қўлланилган даводан 1 ой ўтгач, МККЎнинг икки баробар яхшиланиши кузатилган бўлсада, аммо комбинирланган даволаш гуруҳида кўрсаткичлар ($0,75 \pm 0,04$ ($p < 0,001$)), моноанти-VEGF гуруҳига нисбатан юқори ($0,71 \pm 0,05$ ($p < 0,001$)) эди ва бу юқори қийматлар кузатув даврининг охирига қадар сақланиб қолди.

Юқорида келтирилган МККЎ натижаларидан маълумки, БОМИЛТ амалиётини баландлиги 400 мкмдан кам бўлган ДМШда қўллаш самарали натижа беради. Шунингдек, шиш баландлиги 400 мкмдан катта бўлган ҳолатларда БОМИЛТ ва анти-VEGF терапиясидан иборат бўлган комбинирланган даволаш усулини қўллаш орқали ушбу беморлар гуруҳида қолган гуруҳларга нисбатан МККЎ кўрсаткичлари юқори бўлди. Таклиф эилган даволаш усули орқали НПДР фонидagi ДМШда қолган даволаш усулларига қараганда МККЎнинг юқори кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

400 мкмдан кам ДМШ ($p < 0,001$)



400 мкмдан катта ДМШ ($p < 0,001$)




1-расм. Тадқиқот гуруҳларида ўртача максимал коррекцияланган кўриш ўткирлиги кўрсаткичининг динамикаси

Биз тадқиқотимиз давомида гуруҳлар орасида қўлланилган БОМИЛТ сеанслари ва анти-VEGF инъекциялари сонини таҳлил қилдик. Таҳлил шуни кўрсатдики, шиш баландлиги 400 мкмдан кам бўлган БОМИЛТ амалиёти қўлланилган беморларда 12 ой давомидаги лазер сеансларининг ўртача сони $6,4 \pm 0,54$ тани ташкил қилган бўлса, моноанти-VEGF гуруҳида бу кўрсаткич $5,3 \pm 0,33$ тани ташкил қилди. Комбинирланган даволаш гуруҳида эса лазер сеанслари ва интравитреал инъекцияларнинг ўртача сони $3,6 \pm 0,28$ тани ташкил қилди. Олинган натижалар сатистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади ($p < 0,05$). (2-расм).

Кузатув даври давомида, тўр парданинг шиш баландлиги 400 мкмдан катта бўлган беморларнинг моноанти-VEGF олган гуруҳида қўлланилган

интравитреал инъекцияларнинг ўртача сони $8,1 \pm 0,38$ ни, шу билан бирга, комбинирланган даволашдан фойдаланилган гуруҳдаги лазер таъсири сеанслари ва интравитреал инъекциялар сони эса $4,6 \pm 0,35$ ни ташкил қилди. Олинган натижалар сатистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади ($p < 0,05$).



2-расм. Тадқиқот гуруҳларида БОМИЛТ амалиёти сеанслари ва анти-VEGF инъекциялар ўртача сони

Бу натижалар тўр пардада шиш баландлиги 400 мкмдан катта бўлган беморларда БОМИЛТ амалиёти ва анти-VEGF инъекцияларини комбинирланган ҳолда қўллаш моноанти-VEGF терапияга қараганда 12 ой давомида шишнинг максимал резорбциясига эришиш имконини беришини намоён қилди. Бу кўрсаткичлар орқали НПДР фонидаги ДМШда тўр парда шишининг баландлиги 400 мкмдан катта бўлган беморларда таклиф этилаётган комбинирланган даволаш усулини қўллаш инъекциялар сонининг камлиги натижасида кўз ичи инвазияларининг камайшига ҳам сабаб бўлди.

Диссертациянинг **“Нопролифератив диабетик ретинопатия фонидаги диабетик макула шишида даволашнинг дифференциал ёндашув алгоритми самарадорлигини хориоретинал тузилма, ҳаёт сифати ва иқтисодий кўрсаткичлар асосида баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобида НПДР фонидаги ДМШ бўлган беморларда қўлланилган даводан сўнг, тадқиқот гуруҳларида қўлланилган даволаш усуллари фонида тўр парада макула соҳаси структуравий ва микроциркулятор ўзгаришларнинг кўрсаткичларини ўрганиш, ҳамда ушбу беморларни олиб бориш тактикасини танлаш, даволаш усуллариининг ҳаёт сифати кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш, шунингдек, даволашнинг сарф-ҳаражатларини таҳлил қилишга бағишланган.

Тадқиқот гуруҳлари орасида даволашдан кейинги МККЎга мос равишда ОКТ текшируви бўйича тўр парда марказий қалинлигининг натижалари ҳам

ўзгарди. Макула соҳасидаги тўр парданинг шиш баландлиги 400 мкмдан кам бўлган уччала тадқиқот гуруҳида қўлланилган даволашдан кейинги 1 ойда сезиларли даражада камайганлиги кузатилди (1-жадвал).


1-жадвал

НПДР фонидаги ДМШда шишбаландлиги 400 мкмдан кам бўлган беморлар гуруҳларида қўлланилган даволаш натижасида тўр парда макула шишининг қалинлиги натижалари бўйича таҳлили

Кузатув даври	Макула соҳасидаги шишининг максимал қалинлигининг ўртача кўрсаткичи (мкм, (M±m))		
	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
Даводан олдин	384,41±15,01	388,57±20,96	380,39±26,15
1 ойдан кейин	266,72±17,81*	267,07±24,43*	263,14±28,26*
3 ойдан кейин	288,53±28,84*	286,67±30,40*	276,55±36,81*
6 ойдан кейин	289,16±35,23*	285,52±59,49*	279,09±45,39*
12 ойдан кейин	291,81±45,54*	287,77±54,69*	280,98±62,13*

Изоҳ: * - бир хил муддатда гуруҳлар ўртасидаги таққослашнинг муҳимлилик даражаси $p \leq 0,001$

БОМИЛТ амалиёти қўлланилган беморлар гуруҳида даволашдан 3 ойдан кейин макула шиши баландлигининг ортиши кузатилди ($p < 0,001$) ва шиш баландлигининг ортиши 12 ойга қадар давом этди, аммо, бу кўрсаткичнинг ортиши моноанти-VEGF терапия гуруҳида нисбатан каттароқ қийматларни намоён қилди ($p < 0,001$). Ушбу гуруҳ беморлари орасида ОКТ бўйича макула соҳасидаги шишнинг максимал резорбцияси комбинирланган даволаш қўлланилган беморлар гуруҳида кузатилди ($p < 0,001$) (3-расм).



3-расм. НПДР фонидаги ДМШда тўр парда шиш баландлиги 400 мкмдан кам бўлганда БОМИЛТ амалиётидан олдин (а) ва кейин (б) тўр парда макула соҳасининг ОКТ тасвири.

Баландлиги 400 мкмдан кам бўлган НПДР фонидаги ДМШда ҳар уччала даволаш гуруҳларидаги беморларда интраретинал ва субретинал суёқликнинг сезиларли даражада резорбцияси кузатилди. Аммо 12 ойлик кузатув натижалари шуни кўрсатдики, моноанти-VEGF гуруҳида макула контурининг тўлиқ нормаланиши даволашнинг биринчи ойида 78% ҳолатларда, макула контурининг қисман нормаланиши 10% ҳолатларда ва ДМШнинг сақланиб қолиши 12% ҳолатларда кузатилди. Кузатув даврининг охирига келиб, ушбу кўрсаткичлар мос равишда 65%, 20% ва 15% гача камайди.

БОМИЛТ амалиёти қўлланилган беморлар гуруҳида ҳам даволашнинг биринчи ойида макула контурининг тўлиқ нормаланиши 80% ҳолатларда,

макула контурининг қисман нормаллашиши 10% ҳолатларда ва ДМШнинг сақланиб қолиши 8% ҳолатларда кузатилди.

12 ойнинг охирида ушбу гуруҳ беморларида кўрсаткичлар моноанти-VEGF гуруҳига қараганда нисбатан юқори натижаларни намоён қилди (мос равишда 70%, 18% ва 12%). Ушбу гуруҳ беморлари орасида суюқлик резорбцияси натижаларининг энг юқори кўрсаткичлари комбинирланган даволаш қўлланилган беморлар гуруҳида кузатилди. Қўлланилган давонинг 1 ойида макула контурининг тўлиқ нормаллашиши 88% ҳолатларда, макула контурининг қисман нормаллашиши 12% ҳолатларда кузатилган бўлса, ДМШнинг сақланиб қолиш ҳолатлари кузатилмади. Ва ушбу кўрсаткичлар кузатув даврининг охирида ўрганилганда ўзининг юқори қийматларини сақлаб қолганлиги аниқланди. 12 ойга келиб 78% ҳолатларда макула контурининг тўлиқ нормаллашиши, 16% ҳолатларда макула контурининг қисман нормаллашиши ва 6% ҳолатларда ДМШнинг сақланиб қолиши кузатилди. Таъкидлаш жоизки, олинган натижалар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз ($p>0,05$) эди.

Шунингдек, ушбу кўрсаткичлар шиш бадандлиги 400 мкмдан катта бўлган беморлар гуруҳида ҳам таҳлил қилинди (2-жадвал). Унга кўра, моноанти-VEGF гуруҳида даволашнинг 1 ойида ОКТ текшируви натижалари бўйича шишнинг қисман сўрилиши кузатилган бўлса, кузатув даврининг охирига қадар макула соҳасидаги шиш баландлигининг ортиб бориши юзага келди ва беморларда такрорий интравитреал инъекцияларга эҳтиёж пайдо бўлди ($p<0,001$).

2-жадвал

НПДР фонидаги ДМШда шиш-баландлиги 400 мкмдан катта бўлган беморлар гуруҳларида қўлланилган даволаш натижасида тўр парда макула шишининг қалинлиги натижалари бўйича таҳлили



Кузатув даври	Макула соҳасидаги шишининг максимал қалинлигининг ўртача кўрсаткичи (мкм, (M±m))	
	I гуруҳ	II гуруҳ
Даводан олдин	574,5±45,51	586,7±23,47
1 ойдан кейин	276,12±18,65*	266,56±14,32*
3 ойдан кейин	288,18±15,96*	275,29±12,2*
6 ойдан кейин	295,18±13,36*	279,13±12,48*
12 ойдан кейин	296,18±9,78*	282,12±12,61*

Изоҳ: * - бир хил муддатда гуруҳлар ўртасидаги таққослашнинг муҳимлилик даражаси $p\leq 0,001$

Комбинирланган даволаш қўлланилган беморлар гуруҳида эса моноанти-VEGF гуруҳига қараганда яхшироқ натижалар аниқланди. Қўлланилган даволашнинг 1 ойида шишнинг максимал резорбцияси сабабли макула соҳасининг анатомик тузилиши тўлиқ тикланган бўлса ($p<0,001$), 3, 6 ва 12 ойларда кузатув даврининг биринчи ойига қараганда тўр парда шиши баландлигининг ортганлиги кузатилди, бироқ шиш баландлиги моноанти-VEGF гуруҳидан кичик бўлди ($p<0,01$).

Ушбу гуруҳ беморлари орасида суюқлик резорбцияси натижаларининг энг юқори кўрсаткичлари комбинирланган даволаш қўлланилган беморлар гуруҳида кузатилди. Қўлланилган давонинг 1 ойида макула контурининг тўлиқ нормаллашиши 82% ҳолатларда, макула контурининг қисман нормаллашиши 12% ҳолатларда кузатилган бўлса, ДМШнинг сақланиб қолиш ҳолатлари

беморларнинг 6% да кузатилди. Ва ушбу кўрсаткичлар кузатув даврининг охирида ўрганилганда ўзининг юқори қийматларини сақлаб қолганлиги аниқланди. 12 ойга келиб 78% ҳолатларда макула контурининг тўлиқ нормаллашиши, 15% ҳолатларда макула контурининг қисман нормаллашиши ва 7% ҳолатларда ДМШнинг сақланиб қолиши кузатилди. Таъкидлаш жоизки, олинган натижалар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз ($p>0,05$) эди (4-расм).



а) даводан олдин: макула соҳаси шиш баландлиги 481 мкм

б) даводан кейин: макула соҳаси шиш баландлиги 251 мкм


4-расм. НПДР фонидаги ДМШда тўр парда шиш баландлиги 400 мкмдан катта бўлганда комбинирланган даводан олдин (а) ва кейин (б) тўр парда макула соҳасининг ОКТ тасвири

НПДР фонидаги ДМШда қўлланилган даволаш самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида макула соҳасининг даволашдан кейинги даврда ангио-ОКТ текшируви натижаларини таҳлили ўтказилди. Олинган натижалар назорат гуруҳи сифатида олинган 25 нафар соғлом инсонлар текширув натижалари билан солиштирилди.

БОМИЛТ амалиёти қўлланилган беморларда тўр пардадаги суюқликнинг сўрилиши натижасида ангио-ОКТ текшируви натижалари ижобий томонга силжиди. Тўр парда фовеа соҳасининг аваскуляр зонаси (FAZ) майдонини кўрсаткичи даволашдан олдин $0,368\pm 0,09$ мм² ни ташкил қилган бўлса, кузатув даврининг охирига келиб шиш сабабли катталашган FAZ майдонинг кичрайганлигини $0,149\pm 0,03$ мм² ($p<0,001$) кўрсатди. Шу билан бирга, FAZ майдонининг кичрайиши унинг периметрининг торайишига олиб келди. Даволашдан олдин бу кўрсаткич $3,799\pm 0,89$ мм ни кўрсатган бўлса, 12 ойнинг охирига келиб $1,50\pm 0,63$ мм ($p<0,001$) гача яхшиланди. AI – аваскуляр индекс кўрсаткичи даводан олдин $1,390\pm 0,24$ ни кўрсатган бўлса, FAZ майдонинг кичрайиши сабабли ушбу индекснинг нормал кўрсаткич томон силжиши кузатилди. Капиллярлар тутами зичлиги - FD даволашдан олдин 40,1% ни кўрсатган бўлса, ушбу кўрсаткич даволашнинг 12 ойига келиб 65,3% ($p\leq 0,001$) гача яхшиланди (5-расм).

НПДР фонидаги ДМШда шиш баландлиги 400 мкмдан кам бўлган моноанти-VEGF терапия гуруҳи беморларининг фовеа соҳаси ангио-ОКТ текшируви натижалари таҳлил қилинганда олинган кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларидан бирмунча фарқ қилди. Қўлланилаган анти-VEGF инъекциялари натижасида шишнинг қисман резорбцияланиши FAZ майдони кўрсаткичларининг даволашдан олдинги қийматидан ($0,368\pm 0,52$ мм²) кузатув даврининг охирига келиб $0,302\pm 0,03$ мм² гача яхшиланди. FAZ майдонининг қисқарганлиги унинг периметри камайишига олиб келди. Кўрсаткичлар $2,69\pm 0,69$ мм дан $1,96\pm 0,54$ ($p<0,05$) мм гача яхшиланди. AI кўрсаткичи даводан олдин $1,29\pm 0,24$ ($p<0,001$) ни кўрсатган бўлса, кузатув даврининг

охирига келиб ижобий кўрсаткич томон силжиши кузатилди. FD кўрсаткичи даводан олдин 39,8% ни кўрсатган бўлса, ушбу кўрсаткич даволаш даврининг охирига келиб 56,8% ($p < 0,001$) гача яхшиланди. Шиш баландлиги 400 мкмдан кам бўлган беморларда моноанти-VEGF терапияни қўллаш макула соҳаси микроциркулятор ўзгаришларини тўлақонли яхшиланишини намоён қилмади. Фақатгина AI ва FD кўрсаткичларининг яхшилانганлиги кузатилди.



а) даводан олдин: макула соҳаси фовеалар аваскуляр зона майдонининг катталиши, капиллярлар тутами зичлигининг камайиши

